

## ГЁТЕНИНГ ИРРАЦИОНАЛ ФИКРЛАШ УСЛУБИ

**Ниязова Мунира Жуманазаровна**

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети таянч докторанти

**Аннотация:** Ушбу мақолада буюк немис мутафаккири И.В.Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари” асарини ёзиш давридаги дунёқараш, кайфияти ва турмуш тарзи ва иррационал фикрлаш услуби билан адабий қаҳрамонлар тақдири қиёсий таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** жанр, драма, автобиография, маърифий-роман, роман-мактуб, адабий оқим, ҳаёт ҳақиқати, бадиий тўқима, адабий қаҳрамон, драматизм, сентиментализм, иррационализм, медитация

Немис адиби, мутафаккир, файласуф ва табиатшунос олим ҳамда давлат арбоби – Иоганн Волфганг Гёте (1749-1832) номи ўзбек китобхонларига ўзининг “Ёш Вертернинг изтироблари” (1774), “Фауст” (1774-1832), “Ғарбу Шарқ девони” (1819) каби асарлари билан яхши таниш. [69.] У адабиётшунослик, шарқшунослик, ҳуқуқшунослик, фалсафа соҳалари билан бир қаторда, бадиий адабиётнинг драма, автобиография, маърифий-роман, роман-мактуб каби турли жанрларида ҳам қалам тебратди. Уч мингдан ортиқ шеърлар “Фауст” каби дунёга машҳур драмалар ёзди. Гётенинг наср ва назм қоришиқлигида битилган “Вилгелм Меистер” романи маърифий-таълимий характерда бўлса, муаллифи номини жаҳон миқёсида шон-шухратга буркаган “Ёш Вертернинг изтироблари” асари роман-мактуб жанрига мансубдир. [2.159]

Роман таржимони Янглиш Эгамова таъкидлашича: “*Томас Манн роман қаҳрамонлари Лотта ва Вертерни мумтоз шеърят ва ривоятлардаги Лаура ва Петрарка, Ромео ва Жульетта, Абеляр ва Элоиза, Паоло ва Франческа сингари ишқ-муҳаббат жуфтлари қаторига қўшади.*” [4.140] Агар биз Т.Манннинг И.В.Гёте биографиясига асосланган “Лотта Веймарда” номли романи билан танишсак ҳам, бунга тўла ишонч ҳосил қиламиз. Зотан мазкур роман узоқ йиллардан бери Томас Маннни қизиқтирган ва 1816 йилда Веймарда ёш Гётенинг ишқ-муҳаббати сабабчиси бўлган Шарлотта Буффнинг шаҳардаги сингисини зиёрат қилгани келиши, адиб “Ёш Вертернинг изтироблари” романида уни Лотта қиёфасида акс эттириши билан боғлиқ реал

хаётий воқеаларга асосланиб ёзилган. Роман Томас Манн ижодининг икки йўналиши: санъат соҳиблари ҳақидаги «Тонио Крёгер», «Тристан», «Смерть в Венеции» (“Венециядаги ўлим”) сингари ҳикоялари ҳамда Гётенинг шахсияти ва ижоди ҳақидаги (“Гёте ва Толстой”), “Гёте бургер даврининг вакили сифатида” ва “Вертер – Гёте”) типдаги тадқиқотларини бирлаштирди. [5.]

Дарҳақиқат, “Ёш Вертернинг изтироблари” романи севги қиссалари шаклида битилган. Асарда инсон ва дунё ўртасидаги зиддият тасвирланган. Вертер – романтик кайфиятдаги шахс. Грек мифологияси қаҳрамони – тиниб-тинчимас Прометейнинг муайян маънодаги антиподи бўлган бу йигит ўз наздидаги шафқатсиз ва адолатсиз дунё ва унинг қонунлари, кибр-ҳавога берилган, дабдабали ҳаёт ва хушомадгўйликни хуш кўрувчи оломонга ўхшаб қолишдан кўра ўлимни тансиқ деб билади. Ўз олами (тасаввуридаги дунё)ни ҳимоя қилиш, мавжудлигини тасдиқлаш йўлида ўзини қурбон қилади.

Зоҳиран қаралса, Гётенинг айрим замондошлари (Лессинг, Ментсел, Винбарг, Г.Берн ва бошқалар) таъкидлашганидай, романда иродасизлик ва пессимизм тарғиб қилингандай туюлади. Аслида, ўз даврининг истеъдодли шоири Лессинг романга эътироз билдираркан: “Ақлга тўғри келмайди”,- деб ёзган ва ўзи сезмаган ҳолда ҳақ гапни айтганди. [3.237] Чунки Гёте романда мантикий фикрлаш ва далилларга таянишга йўсинига эмас, иррационал фикрлаш услубига таяниб иш кўрганди. Ҳис-туйғу ва кайфият-ҳолларни субъектив баҳолашга интиланган эди. Роман қаҳрамонларининг ўз-ўзини англаши негизида уларнинг қайноқ ҳиссиётлари, интуитив сезгилари, юрак амрига бўйсуниб импульсив қарорлар қабул қилишга интилишлари, медитация ҳамда онг ости туйғуларига эргашишлари фикримизни тасдиқлайди. Ҳа, улар кўнгил одамлари, руҳ амрига бўйсунувчи нозик қалбли кишилардир. Бинобарин, ўз даврида Гётени тушунмаслик рационал ва иррационал фикрловчи одамлар – бир бутунлик қарама-қарши қутбидаги ижодкорлар идроки ва ҳиссий интеллектлари, фикр-туйғуларидаги турфаликдан келиб чиққан эди. Бизнингча, фикрлашнинг рационал ва иррационал турлари бир-бирини тўлдиради. Афсуски, бу ҳол XIX аср охирларига келибгина неоромантиклар томонидан англаб етилди. “Ёш Вертернинг изтироблари” романи севги ва муҳаббат, ҳижрон ва изтироб, умид ва умидсизлик ҳақидаги ҳазин бир қўшиқ сифатида китобхон юрагини ларзага солиши идрок этилди.

Дарҳақиқат, “Ёш Вертернинг изтироблари” романи покиза қалбларнинг яраланган муҳаббати, муҳаббат ва ҳижрон дамларидаги изтиробларидан сўзлайди. Албатта, Шарқ-ислом тафаккури ва тасаввурлар олами билан

инсоннинг ўз жонига қасд қилиши, яъни “Вертер синдроми” билан боғлиқ суитсид масаласини оқлаш қийин. Биз ушбу ўринда машхур олмон олимаси профессор Катарина Моммсен “Гёте ва Ислон” рисоласида масалани бирқадар кенгроқ ракурсларда ўргангани, бу асарни Мухторхон Умархўжаев ва Иброҳимжон Жабборовлар немис тилидан миллий тилимизга ўгиришганини таъкидлаш билан чекланамиз. Бироқ, И.В.Гёте шаклан эпистоляр жанрда ёзган роман руҳида сентементал мезонлар ётишини ҳам назардан қочирмасликка интиламиз.

Биобарин, романда инсон руҳиятининг сезгирлик ва хаёлпарастлик хоссалари қамраб олинган. Зотан бундай кайфиятдаги одам барча ташқи таассуротларни ўзининг онг ва фикрлари билан баҳоламайди. У ўз сезгиларига таъсир қилган омиллар туғдирган кайфиятга қараб иш кўришга мойил бўлади. Нозик ҳиссиёт ва эҳтиросларга берилувчанлик, умидсизлик унинг ғайратини сўндиради.

Оилалик аёл Лоттага кўнгил қўйиб, севгисига муносиб жавоб ололмаган Вертер қисмати ҳақидаги бу роман И.В.Гёте реал ҳаётда тушган вазиятларни ифодалашига кўра автобиографик характерга ҳам эга. Таъкидланганидай, Шарлотта Буфф романдаги Лоттанинг прототипи эди. Гётенинг яқин дўсти Карл Вильгелм Иерузалем худди шундай қисматга гирифтор бўлган, яъни оилалик аёлни севиб қолиб, омадсизликка учраб, охир-оқибат ўз жонига қасд қилган эди. Албатта, бундай ҳаётий воқеалар роман учун масаллиқ бўлиб хизмат қилган. Адиб омадсиз муҳаббатнинг туганмас азобларидан кутулишда ягона чора ўз жонига қасд қилишдир,- деган поэтик ҳукми маъқуллади. Бу ҳол “ўтиш даври” ёшида бўлган ўспиринларга ҳам энг маъқул йўл бўлиб кўринади. Табиийки, Гёте оммавий муносабатнинг бундай кескин тус олишини кутмаганди. Шунинг учун асар қаҳрамони қилган иш дуруст эмас, бу фожиали тақдирга эргашмаслик лозим, - деган мазмунда сўзбоши ёзишга эҳтиёж сезади. Демак, “салбий эффект”ни бартараф қилиш учун ўз сентементал кайфияти, характер саъжияси ва дунёқарашига ҳам, ўзи мансуб бўлган “Бўрон ва ҳужум” оқимининг принципларидан бирига ҳам зид боради. Гап шундаки, мазкур оқим фаолиятининг икки муҳим қаноти бор эди. Табиийки биринчи қанот тарафдорлари каби ҳужумкор, жўшқин табиатли, барча ҳаётий чегараларга қарши курашга отланган куч-қудратли ва шу билан бир қаторда, фожиали қаҳрамонларни яратиш И.В.Гётенинг табиатига тўғри келмасди. Олам дардини қалбига жамлаган, абадий озодликни кўмсагани учун ҳам у иккинчи қанот вакилларининг олдинги сафида турарди. Демак, унинг Вертери эҳтиросли, хаёлпараст, ичдан куюнувчи, чексизликка интилувчи

эканининг иккинчи сабаби ёзувчи мансуб адабий оқим тамойиллари билан боғлиқликда ўз изоҳини топади. Замин дарди ва бахти ҳақида қайғурувчи трагедия қаҳрамони Фауст ҳам:

*Мен тилайман довул ва бўрон,  
Менга ҳислар оташи керак*

деганида ўша адабий оқимнинг етакчи тамойилларга ишора қилади. Демак, Гёте асарларида биринчи қанот тамойиллари асосида яратилган қаҳрамонлар ҳам мавжуд. Бу ҳол ҳар бир асар юзага келган даврдаги ижодкор кайфият-ҳолларини назардан қочирмаслик лозимлигини кўрсатади. Олмон мутафаккири пантеистик дунёқараши роман қаҳрамонларининг табиатга бўлган муносабатида ёрқин ифодасини топади. Вертер бир жиҳатдан табиат қўйнига интилади, ундан баҳраманд бўлади. Иккинчи жиҳатдан, табиатга шайдолик негизида диққинаффас ҳаётдаги турфа ижтимоий чекловлар, бир хилликларни инкор этиш майли ётади.

Демак, Вертернинг табиат ошиғи экани тасодифий ҳол эмас. Бу жавобсиз севги (*элчихона котиби, босиқ ва жиддий феълли йигит – Йоганн Кастнерга унаштирилган зукко ва назокатли Шарлотта Буфф*) туфайли изтиробга тушган ва умидсизланган киши (*шоирона кайфиятдаги амалиётчи ёш адвокат Гёте*) нинг эътиқоди, ҳаёт тарзи, инсонни табақалаштириш билан боғлиқ адолатсиз қонунларга қарши исёни эди.

И.В.Гёте “Шеърят ва ҳақиқат” (1811-1831) номли китобида: “... ушбу асарим менга жунбушга келган ҳалокат чангалидан қутулиб чиқиш имконини берди... Ўзимни баайни юрагидаги дардларини кимгадир тўкиб солган одамдек, енгил, хурсанд, янгича яшашга жазм қилгандек сездим”,- деб ёзади. [1.496-497] Бу ҳол адиб ўз ҳаётидаги чигалликларни енгиш, умидсизлик ва тушкун кайфиятдан халос бўлиш учун қоғоз билан тиллашиш – бадий ижоддан нажот топиш воситаси ҳам бўлганини кўрсатади. Бинобарин, Вертер муайян маънода Гётени тамсил қилса-да, ўз ҳаётий тутумларига эга мустақил адабий қаҳрамон ҳам эди. Зотан Гёте шахсиятида ички зиддиятлар қанчалик кучли бўлмасин, ҳамиша яшашга бўлган интилиш ва ҳаётсеварлик ғолиб келган.

#### ИҚТИБОСЛАР:

1. Гёте. Собрание сочинений в 10 томах, том 3, – М., Изд. «Художественная литература», 1976. – С. 496-497.
2. Гёте И.В. Ёш Вертернинг изтироблари. Роман. Немис тилидан Янглиш Эгамова таржимаси. “Ўқитувчи” НМИУ – Тошкент 2018. – 159 б.

3. Пуриц Е. Vorwort zur deutschen Ausgabe des Romans (Романинг немисча нашрига Сўзбоши.) – Л. “Просвещение”, 1975, – С. 237.
4. Эгамова Я. Вертер изтироблари талқини. / Гёте И.В. Ёш Вертернинг изтироблари. Роман. Немис тилидан Янглиш Эгамова таржимаси. “Ўқитувчи” НМИУ – Тошкент 2018. – Б. 140.
5. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>
6. Қаранг: Гёте “Фауст” Э.Воҳидов таржимаси (1972-1975); “Мағрибу машриқ девони” Садриддин Салим Бухорий таржимаси (1985-1990; «Ёш Вертернинг изтироблари» романи Янглиш Эгамова таржимаси (1975)

